
Ўзбекистон туманида АКТ вазирлиги раҳбариятининг сайёр қабули ўтказилади

Фарғонада ахборот коммуникация технологиялари соҳасида жисмоний ва юридик шахслар томонидан келиб тушаётган мурожаатларни ўрганиш, муаммоли масалаларни жойида бартараф этиш чораларини кўриш мақсадида Республика Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ўринбосари Жамшид Эгамбердиев ҳамда вазирликнинг вилоятдаги корхона ва ташкилотлари раҳбарлари иштирокида сайёр қабул ўтказилади.

Бу ҳақда вазирлик ахборот хизмати [хабар бермоқда](#).

Сайёр қабул жорий йилнинг **21 октябр, жума куни соат 11:00 дан** бошлаб **Ўзбекистон тумани, Қудаш маҳалласи, Мустақиллик кўчасида жойлашган маҳалла биносида** ташкилланади.

“АКТ хизматларидан фойдаланишда муаммоларга дуч келаётган бўлсангиз ёки соҳа ривожини бўйича таклифларингиз бўлса, сайёр қабулга ташриф буюринг” дейилади вазирлик хабарида.

Маълумот учун телефон: 73-244-44-45

2022-10-11 15:10:16